

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ОИЛА” КОНЦЕПТИ БИЛАН БОҒЛИҚ СТЕРЕОТИП ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7795686>

Усмонова Г.

АДЧТИ 2 курс магистри

Аннотация.

Мазкур тадқиқот лингвомаданиятшунослик, когнитив тилишуносликнинг объекти бўлмиш лингвистик стереотипларни ўрганишга бағишланган. Ишда “оила” концепти доирасида турли замонавий стереотип тил бирликларининг дискурс таҳлили амалга оширилган.

Таянч сўз ва иборалар

стереотип, “оила” концепти, лингвистик стереотиплар, стереотип тил бирликлари.

Аннотация

Данное исследование посвящено изучению языковых стереотипов, которые являются объектом лингвокультурологии, когнитивной лингвистики. Работа представляет собой дискурсивный анализ различных современных стереотипных языковых единиц в рамках концепта «семья»

Ключевые слова и выражения

стереотип, концепт «семья», языковые стереотипы, стереотипные языковые единицы.

Abstract

This research is devoted to the study of linguistic stereotypes, which are the object of linguocultural studies, cognitive linguistics. The work is a discourse analysis of various modern stereotypical language units within the concept of “family”.

Keywords and expressions

stereotype, “family” concept, linguistic stereotypes, stereotypical language units.

XX асрнинг 2-ярмидан бошлаб социолингвистика, ижтимоий психология, маданиятлараро мулоқот сингари фанларнинг тадқиқот объекти бўлмиш стереотип тушунчаси ҳозирга қадар кўплаб таҳлил ва мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Унга берилган таърифларнинг хилма-хиллиги, таснифлашдаги номуносивбликлар ушбу терминнинг моҳиятан мураккаб эканлигини исботлайди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида берилишича, стереотип (стерео + юн. typos – из, тамга; аломат) сўзининг асл маъноси “китоб, газета, журнал ва шу кабиларни кўп нусхада нашр этиш учун терилган матннинг металл, резина ёки пластмассадан қилинган яхлит қолипга кўчирилган нусхаси; босма қолип” дир. Кўчма маънода эса “бир хил, бир қолипдаги” изоҳи келтирилган (ЎТИЛ, б. 571).

Нелюбиннинг луғатига мурожаат қиладиган бўлсак, “Стереотип бу мустаҳкам ўрнатилган, бирор нарсанинг доимий намунаси, стандарти” ҳисобланади. (Нелюбин, 2009, с. 212) Ушбу таърифга кўра, мазкур атаманинг тадқиқот соҳасини англаш анчайин мушкул.

С.Серранинг таъкидлашича, стереотиплар баъзи ижтимоий гуруҳлар ҳақидаги умумий билимларни, жумладан, гуруҳнинг хусусиятлари, белгилари борасидаги эътиқод ва назарияларни ифодалайди. С.Серра стереотипларнинг бир тури бўлмиш тил стереотипларининг прагматикасини ҳазиллар доирасида ўрганган. Унинг ишларида асосий урғу этник, иркий масалаларга доир тил стереотипларига берилган (Sierra, 2018).

Стереотипларни тил билан боғлаб тадқиқ қилган В.Де Клерк ва Б.Бошлар кудрат, стереотиплар ва тил ўртасида боғлиқлик мавжудлигини кўрсатадилар. Уларнинг фикрича, ҳар қандай жамоада пайдо бўладиган тил фарқлари одатда ижтимоий мақом, бирдамлик, социализация ва идентификация ҳамда моделлаштириш кучлари каби омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин – буларнинг барчаси жамият ичида стереотипли эътиқодлар воситасида таъсир қилади (De Klerk & Bosch, 1995, p. 20).

Демак, тил стереотипларини кишининг жамиятдаги ўрни, мавқеси билан боғлиқ ҳолда тил ва нутқда юзага келадиган ижтимоий қолипланган шакллар деб ҳисоблаш мумкин.

А.Маас ва Л.Аркурилар тилнинг биринчи ва энг аниқ функцияси – бу маданий стереотипларни инсондан инсонга, авлоддан-авлодга ўхшаш етказишдир, деб кўрсатадилар. Маданий жихатдан умумий эътиқодлар маълум бир тилнинг луғатига киритилади. Муайян маданиятда маълум бир даврда улғаяётган бола ана шу стереотипик эътиқодларни акс эттирувчи лексикани ўзлаштиради (Maas & Arcuri, 1996, p. 194). Натижада инсон болалагидан стереотипик эътиқодлар билан эмланиб муайян бир гуруҳларга нисбатан қарашлари хоҳ у тўғри, хоҳ нотўғри бўлсин, маълум бир қолипга келади ва луғат таркибида ўз аксини топади.

Стереотиплар муайян бир халқ, миллат, жамоа ва гуруҳларнинг барчага маълум хусусиятларига кўра уларга “хулқий тамға”ни босиш натижасида юзага келадиган ижтимоий ҳодисадир. Ана шу ижтимоий ҳодиса тилда ҳам ўз аксини топиши табиий ва шунга кўра стереотип тил бирликларини фарқлаш мумкин. Жаҳон тилшунослари томонидан ушбу тил бирликларига идиомалар, паремиялар, тил метафоралари, услубий фигуралар ва ҳ.к.лар кириши аниқланган. Тадқиқотимизда “оила” концепти билан боғлиқ, асосан, тил метафораларининг стереотипик қарашларни ифода этишини кузатиш мумкин. Ишда “оила” концепти билан боғлиқ стереотип тил бирликлари қуйидаги ижтимоий ҳодиса ва муносабатлар таснифи асносида кўриб чиқилди: (1) никоҳ; (2) эр ва хотин ўртасидаги муносабат; (3) ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат. Тадқиқотда “оила”нинг замонавий қиёфасини кўрсатиш мақсадида, стереотипликни юзага келтирувчи фразема, лексема шаклидаги бир қатор тил бирликлари танлаб олинди ва уларнинг дискурс таҳлили амалга оширилди. Шунингдек, таҳлиллар жараёнида инглиз ва ўзбек лингвомаданиятини чоғиштирма тадқиқ этиш методидан ҳам фойдаланилди.

Стереотипларнинг энг кўп учрайдиган соҳаси тилнинг антропотцентрик услублари, яъни сўзлашув ва бадиий услуб ҳисобланишини таъкидлайди Е.Бартминьский. (Бартминьский, 2005, с. 160)

Н.Ф.Алефиренко ва Ш.К.Жаркынбаеваларнинг ишларида тил стереотиплари нафақат мулоҳазаларни, балки бир нечта сўзлардан ташкил топган тўшам иборалар, идиомалар, паремиялар, таққослашлар, клишелар ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади. (Алефиренко и Жаркынбаева, 2014, с. 18) Шу муносабат билан мақоламизда таҳлил учун тил бирликларини танлашда сўз, ибора, идиома ва ҳ.к.ларга мурожаат қилдик.

Биз танлаган ва тил стереотипи деб ҳисоблаган аксарият тил бирликлари ҳақиқатда ҳам замонавий жамиятида кенг қўлланилиши, “оила” концепти доирасида стереотиплашганлигининг гувоҳи бўлдик.

Тадқиқотимизда “оила” концепти билан боғлиқ стереотип тил бирликлари қуйидаги ижтимоий ҳодиса ва муносабатлар таснифи асносида кўриб чиқилди:

- никоҳ;
- эр ва хотин ўртасидаги муносабат;
- ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат.

“Турмуш бу оёқ кийим сингаридир. Унинг мослиги ёки мос эмаслиги бошқаларга билинмайди, балки буни фақат оёқ аниқ билади” тарзида берилади. Юқорида айтилганидек, бу ўхшатиш калит ибора бўлиб, турмуш борасидаги қарашларда турлича фикрлар ва талқинлар билан давом эттиради. Яъни бу ўринда турмуш борасидаги дунёқарашда стереотипик иборанинг мавжудлигини кузатиш мумкин. Ўзбек халқи лингвомаданиятида бундай ибора ҳам, талқин ҳам мавжуд эмас. Чунки ўзбек маданиятида оёқ ости бўлмоқ, оёқ ости қилмоқ, оёғига ташламоқ, оёғи тортмади каби иборалар оёқ билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг қадрсизлигини англатади. Билъакс, оила, турмуш бу ўзбек маданиятида энг қадрланадиган тушунчалардир. Ўзбек тилидаги ўхшатиш усуллари ҳам қадриятлардан келиб чиқади.

Эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар доирасидаги тил стереотиплари лексема шаклида ўз аксини топган эр ва хотин ўртасидаги муносабатни ифодаловчи стереотиплик хусусиятига эга сўзлардан бири бу “хотиннинг (эрни) қаттиқўллик билан назорат қилиши” деб таржима қилинади. Ушбу ҳазиломуз иборанинг тагида бир оз бўлса ҳам ҳақиқат ётади. Ҳозирги жамиятда хотинининг гапларига сўзсиз қулоқ тутадиган, унинг тергашларига дош берадиган эркаклар нисбатан кўпайганлиги сабабли кенг оммалашади ва маълум гуруҳлар учун стереотиплашади.

Эр ва хотин ўртасидаги муносабатларга кўра, “яхши ёмон кунларда доим бирга бўлувчи”, “бир бирини меҳмондек эъзозловчи” эр-хотин турлари фарқланади. Баъзан ушбу эр-хотинлик муносабатларига нисбатан айрим салбий қарашлар мавжуд бўлиб, бундай муносабатлар муҳаббатсиз турмуш ҳисобланиши, бу тарзда ҳаёт кечириш эса мажбурийлик, ачиниш, иккиюзламачилик тушунчалари билан боғланади.

Ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар доирасидаги тил стереотипларига оид интернет тармоқларида жуда кўп мақолаларни учратиш мумкин. Аксарият мақолаларда ота-оналарнинг ўз фарзандларини таълим олиш борасида ўз ҳолига қўйиш ҳақида турли муаллифларнинг қарашлари, таклиф ва тавсиялар ўз аксини топган.

Ушбу ҳолат баъзан мақолларда ҳам ўз ифодасини топишини кўрамыз. Масалан, “Birds of a feather flock together” – “Ўхшатмасдан учратмас”. Қушларнинг хатти-ҳаракатлари инглиз мақолида инсонлардаги меҳр-оқибат билан ўхшашлик сифатида қабул қилинган, ўзбек тилида эса номаълум мавзуга эга бўлган қисқа жумла таркиби ишлатилади. Тилда кўплаб синоним

сўзлар ва иборалар учраши, мақоллар бир-бирига синоним бўлиши мумкин. Баъзан уларнинг маънолари ўхшаш ва улар контекстда бир-бирининг ўрнини босиши мумкин. Шу билан бирга, кўпгина синоним мақоллар, ҳатто семантик жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлса ҳам, мутлақ синоним бўла олмайди. Чунки, уларнинг маънолари бўйича экспрессивлик маълум даражада бир-биридан фарқ қилади, бинобарин, улар ҳар хил ҳолатларда ва вазиятларда қўлланилади шу боис улар ҳар хил прагматик ва социолингвистик хусусиятларга эга: уларнинг баъзилари асосан расмий (расмий) ҳолатларда, баъзилари эса кўпинча норасмий (оғзаки) суҳбатларда пайдо бўлади. Юқорида келтирилган мақоллар бир нечта синонимларга эга бўлсада, улар контекстда бир-бирининг ўрнини боса олмайди, акс ҳолда семантик ёки услубий мувозанат бузилиши мумкин.

Шунингдек, “Қизи борнинг нози бор” мақолини инглиз тилига Who has a daughter that has a whim қабилида берилса, Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек урф-одатларидан беҳабар инглиз ўқувчиси уни бутунлай тушунмаслиги мумкин. Инглиз тилига уни Parents of the bride may be capricious (they can expose their own terms) деб ағдаришдан бошқа чора йўқ. Бошқа йўли эса: бу мақол мазмунини берувчи бошқа мақол топиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, лингвистик стереотиплар тилда акс этувчи маълум гуруҳ учун хос бўлган тамғадир. Улар битта сўз ёки бир нечта сўзларнинг бирикишидан ҳосил бўлган турли турғун шаклларга эга. “Оила” концептида стереотипик тил бирликларини уч қисмга ажратиб ўрганиш мумкин: никоҳ; эр ва хотин ўртасидаги муносабат; ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат. Ушбу кичик тадқиқотга кўра, стереотипик шакллар кўпроқ ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларда топилди, десак муболаға бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Раупова Л. Нутқ маданияти: дарслик. – Тошкент: ИННОВАЦИЯ-ЗИЁ, 2019. – 138 б.
2. Mieder W. International Proverb Scholarship. - New York: Garland Publishing, 1993. P. 27-63.
3. Gryzberg P. Proverb. - New York: Brockmeyer, 1994. P. 227-241.)

4. Abrahams R.D. Proverbs and proverbial expressions. In R. M. Dorson (Ed.), *Folklore and folklife*. - Chicago, 1972. P. 117-127.

5. Mieder W. *Proverbs: A handbook*. - Westport, CT: Greenwood Press, 2004.

6. Norrick N.R. *How proverbs mean*. - Berlin: Mouton, 1985.

7. Taylor A. *The proverb and index to the proverb*. - Hatboro/ PA: Folklore Associates, 1962.

8. <https://forum.ziyouz.com/index.php>

9. <https://www.litcharts.com/lit/the-godfather/quotes>